ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 25 август, сешанба • № 100 (22.337).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1991 — 1998

7 МУСТАҚИЛЛИК

Тошкентдаги маслаҳатлашувлар

22 август куни Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари ва мудофаа вазирларининг маслаҳатлашув учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув иштирокчилари Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек Афғонистон чегараларидаги вазият билан боғлиқ кенг қамровли масалаларни муҳокама қилдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 1998 йил 28 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 27 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эртага, 26 август куни соат 17 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида ўтказилади.

"Адолат" Социал-демократик партиясининг фракцияси Тошкент давлат юридик институтининг залида, "Ватан тараққиёти" партиясининг фракцияси эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ўз йиғилишини Олий Мажлисда ўтказади. Йиғилишлар 27 август куни соат 12 да бошланади.

Наманган гулга бурканди

Шаҳарда анъанага айланган гул байрами бу сафар 38-бор нишонланди. Мустақилликнинг 7 йиллигига бағишлаб шаҳар боғига янги маҳобатли дарвоза қурилди.

Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ўтган шанба ва якшанба кунлари гулга бурканди. Байрамда ташкилот ва муассасалар, корхоналар ҳамда барча гул ишқибозлари ўз кўргазмалари билан қатнашдилар. Байрам тадбирларида миллий кураш, таниқли санъаткорлар, ҳаваскор хонанда ва созандаларнинг чиқишлари, турли қизиқарли аттракцион ўйинлари барчага завқ-шавқ бағишлади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

Яратувчанликни яратганнинг ўзи ҳам суяди

«Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» (Ўзбекистон — Америка. Тошкент)

«Каолин» (Ўзбекистон—Германия. Ангрен)

«Тошкент—Коттон» (Ўзбекистон—Италия. Бухоро)

«ДЭУ Текстил-компани» (Ўзбекистон—Жанубий Корея. Фарғона)

«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» (Ургут)

Ўзбекистон қўшма корхоналари

Суратларни В. ПОРТНОВ ва ЎзА фотомухбирлари олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, акциядорлаштирилган корхоналарда ва янгидан барпо этилган акциядорлик жамиятларида ташкил этилган бошқарув органлари (акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатувчи кенгаш ва бошқарув) умуман олганда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ иш кўрмоқда.

Шу билан бир вақтда бир қанча акциядорлик жамиятларида ва холдинг компанияларида маъмурий - буйруқбозлик принципларига асосланган эски бошқарув усуллари ҳамон сақланиб қолмоқда, акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва кузатувчи кенгашларнинг раҳбарлик ўрни зарур даражада таъминланмаяпти. Акциядорлик жамиятлари бошқарувлари раҳбарларини ёллашнинг контракт тизими механизми ишга туширилмаган.

Акциядорлик жамиятлари раҳбарлик ва ижро этувчи органлари фаолиятини аниқ тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги бунинг сабабларидан бири-дир.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг фаол қатнашишини таъминлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатувчи кенгашнинг аҳамиятини ошириш, бозор шароитларида корхоналарнинг самарали ишлаши учун ижро этувчи органларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги намунавий низом;

акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги намунавий низом;

акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи тўғрисидаги намунавий низом;

акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги намунавий меҳнат шартномаси;

акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини ишончли бошқарувга бериш тартиби;

давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Акциядорлик жамиятларига уч ой муддатда:

ўзларининг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштириш;

Кузатувчи кенгашлар таркибини, уларга акцияларнинг энг кўп пакетлари эгаларини киритган ҳолда, қайта кўриб чиқиш;

акциядорлик жамияти номидан иш кўрувчи Кузатувчи кенгаш раиси билан ижро этувчи орган раҳбари ўртасида уни ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт) тузиш тавсия қилинсин.

Ижро этувчи орган раҳбарининг корхона фаолияти натижалари тўғрисида Кузатувчи кенгаш олдида ҳар чоракда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида вақтивақти билан ҳисобот бериши амалиётга жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар амалга оширилишида акциядорлик жамиятларига кўмаклашсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини ишончли бошқарувга бериш тўғрисида илгари тузилган шартномаларни икки ой муддатда қайта кўриб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари 1998 йил 1 октябргача устав жамғармаларида давлат улуши 25 фоиздан ошадиган акциядорлик жамиятларининг Кузатувчи кенгашларига давлатнинг ишончли вакиллари тайинланишини амалга оширсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 22 август.

Кириенко истеъфога чиқди, Черномирдин эса...

«Интернет» хабарига кўра, кеча Россия Президенти Борис Ельцин Сергей Кириенко раҳбарлигидаги ҳукуматни тўла таркибда истеъфога чиқарди. Кириенко бор-йўғи беш ой аввал ушбу лавозимга тайинланган эди. Аслида ундан кўп нарса кутилганди. Ёш раҳбар Россия иқтисодиётидаги муаммоларнинг жуда бўлмаганда бир қисмини ҳал қилади, деб ўйлашган эди. Бироқ... Россия ҳукуматининг раиси вазифасини эса собиқ бош вазир Виктор Черномирдин бажарадиган бўлди.

Россия Давлат Думасидаги коммунистлар фракцияси раҳбари Геннадий Зюганов Черномирдинни янги вазирлар маҳкамасининг бўлажак сиёсати ҳақида Россия парламентида маслаҳатлашиб олишга чақирди. Владимир Жириновский эса Черномирдин номзодини Думада тасдиқлаш жараёнида тўла қўллаб-қувватламайдилар, деб айтди. АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг матбуот котиби эса, ҳукуматни бўшатиб юбориш — бу Ельциннинг ўз иши, деди. Бироқ, у Черномирдинни огоҳлантириб айтдики, ҳукумат раҳбари бундан буён самарали фаолият кўрсатиб, Россия иқтисодиёти олдидаги қийинчиликларни енгиб ўтиш керак... Клинтоннинг Россияга келгуси ҳафтадаги ташрифига келсак, бу ташриф албатта амалга ошади.

Виктор Черномирдин АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан телефон орқали суҳбатлашиб, мен Россия Бош вазири вазифасини ижро эта туриб иқтисодий ислоҳотларни янада давом эттираман ва Россия ҳамда халқаро валюта жамғармаси доирасидаги режаларни амалга ошириб, иқтисодиётни барқарорлаштириш йўлидан бораверамаи, деди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 25 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.

Унда 1 АҚШ доллари 102,90 сўм қилиб белгиланди.

Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир.

Ислом КАРИМОВ

Миллий ғурур йўлларида

- *«Буржуа миллатчиси» дегани нима?*
- *«Мана бунга қўшиб, уни ҳам партиядан ўчирамиз»*
- *Қонимизда яшаб келаётган туйғу*
- *«Менинг Президентим»*
- *«Мен нечун севаман Ўзбекистонни...»*

Халқнинг яратувчилик даҳоси

ёхуд тил, миллат ва қадриятлар ҳақида ўйлар

1. Фикрлар кураши ва Озодлик

Диний ақидапарастлик, унинг воситасида айрим хорижий давлатларнинг ўз сиёсатини бошқаларга тиқиштиришга уриниши ҳақида фикр билдиргач, гарчи ёши ўтган бўлса-да, имтиёзларга ўрганиб қолгани учун ижтимоий ҳаётда ҳамон аралашиб юрган бир журналист: — Демократия шу-да, — деган. — Уларни турткиламаслик керак. Ким хоҳласа ваҳҳобий бўлади, хоҳласа — бомж...

Шунда хорижий газеталар узлуксиз ёзадиган — ертўлада ётиб юрадиган искирт қавм эмас, Хулио Кортасарнинг «Ён дафтардаги қайдлар»ида тасвирланган — шаҳар метросининг бошпана қилиш мумкин бўлган ковакларида ранги чиқмай кун кечирадиган минглаб бечоралар, уларнинг аянчли турмуш тарзи эмас, балки Нурота тизма тоғлари, уятини лўғи билан ёпган ва найза тутганча ибтидоий одамлар каби тоққан-тошга сакраб юрган «абориген»лар кўз олдимиздан ўтган. Нима, сиз шундай бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайсизми? Ахир, табиийликка қайтиш керак, деб дунёда шир ялангоч юрганлар оз эмас-ку. Шуларнинг уч-тўртласи мамлакатимизга келса, шунга мойил ёшларнинг бошини айлантирса, орамиздан «абориген»лар етишиб чиқмайди, деб ким кафолат бера олади?

Сиёсатини тиқиштиришга жонжаҳди билан ҳаракат қилаётган мамлакатлар учун айнан шу керак. Сиёсатни тиқиштиришдан мақсад — икки дарё оралиғида ўз таъсирини ўтказиш. Ўзбекистондаги маъданлар ва электр қуввати захирасининг ўзи 13 минг миллиард Америка долларидан зиёд қийматга эга, деб ёзади «Свободная Грузия» газетаси шу йил 2 август сонида. Ақл бовар қилмайдиган бу бойлик эса бировлар ҳисобидан яшашга ўрганган «наҳанг»ларга сира тинчлик бермаслиги табиий.

Модомики, шундай экан, модомики биз Америка, Буюк Британия ёхуд Олмония эмас, балки куни кеча озодликка чиққан тетапоя давлат эканмиз, токи у оёққа туриб олгунга қадар миллатнинг зийрак фарзандлари Ватан манфаатларини ўз манфаатидан зиёда билиб, унинг келажагини тўтиёдай асраши лозим.

Фикрлар қарама-қаршилиги ва кураши давом этаётир, — деди Президент Ислом Каримов. Ва у ҳали узоқ давом этади.

Чунки ҳаётнинг юза қатламидагиларнинг, улус орасида юрган, тилидан гап келадиган, аммо юрагини занг босган, илгариги мавқеидан маҳрум бўлган зиёлисифат одамларнинг аксарияти биз юқорида тилга олган журналистга ўхшаш кишилардир. Улар эндиликда «Улуғ Ўктабр сотсиалистик революцияси» ибораси ўрнига «Мустақиллик» дейишга одатланишди, лекин бутун ҳаёти кечган ўтмишни қўмсагани-қўмсаган, уйига ўт кетган одамдай кўнгли яримта, суҳбат пайтлари мотамсаро бир кайфиятда сизга хушламай қараб туради, баногоҳ: — Ўша тузум ҳам аслида ёмон эмас эди ўзи, — деб қолсангиз борми, бирдан ўмганини кўтаради, чексиз бир ҳасрат билан: — О-о, какая огромная страна была! — дейди, сўнг афсус-надомат билан бош чайқайди. — Что они творили?!

Бу — куни кечагача халқни «черные» деб атаган, қоралардан ҳазар қилган, аммо шу қоралар ҳисобидан имтиёз билан яшаб келган табақадир.

Бир гал ўзимиз ихлос билан қарайдиган бир интеллегент оғзидан шундай кесатиқ эшитганмиз. У «Фалончи ака, уйингизга телефон қилсам, «Оқтош»га кетган, дедилар. Ҳали кунлар қизиганича йўқ-ку?» — дея сўраган шогирдига: «Ёзга бориб, у ерда ишлаб бўлмайди, — деган. — Қоралар босиб кетади...»

Ўшанда бу гапга ақлимиз етмаган, ақлимиз етгач эса, бошқа бир нарсага тушуна олмаганмиз: ўзинг мансуб бўлган халқни қоралар деб аташга қандай тил боради? Модомики, шундай деб ҳисоблар экансан, қандай қилиб шу халққа юракдан хизмат қилишинг мумкин?

Яна бу гапни айтган зиёли шахсга сиғиниш даврида ноҳақ жабр неккан киши эди...

Бундайлар «Озодлик!» деган каломни тушунмайди. Бу — кўпчиликни чалғитиш учун ўйлаб топилган «сотсиализм», «коммунизм» деганга ўхшаш қуруқ гап, деб ўйлайди. Уларнинг тушунчаси шундайки, ўзбек тилида жонига туташ табаррук сўзнинг ўзи йўқ. Чунки бу тилни улар азиз деб билмайди. Шунинг учун ҳам улар хонадонида ўзлари ўрганган тилда сўзлашади.

2. Кўнгилдаги гаплар

Бултур Хумсондаги болалар дам олиш масканида болалар ўзга тилда қўшиқ айтиб, ўзга халқ мақомида рақсга тушаётганини кўриб, тарбиячи қиздан: — Нима, болаларбоп миллий қўшиқлар йўқми? — деб сўрадик. Шунда у ўксиганини яширмай, юрагидаги гапни рўй-рост айтди:

— Ака, мана шу дарвозадан кириб келган ота ё она қизини «Лолахон» деб чақирса, кўнглим ёришиб кетади. Лекин кўпинча улар «Лоличка!» дея овоз беришади. Билингки, ўша оилада суҳбат ҳам ўша тилда бўлади. Бешик устида алла эмас, «Баю-баю-баю-бай» айтилади, эртаклар ҳам ўша тилда ўқилади. Мен буни миллий тилга эътиборсизлик деган маънода айтаётганим йўқ, биласизми, алла ва эртаклар болада миллий табиатни шакллантиради. Тарбиянинг бундай иқлимини мен иссиқонага ўхшатаман, иссиқонада субтропик минтақа иқлимини сунъий равишда яратиш, айрим экинлардан ҳосил олиш мумкиндир, аммо, барибир унинг таъми табиий шароитда ўсганники каби бўлмайди. Қолаверса, одам экин эмаски, шу иқлимда бир умр яшаса. Ахир, у ҳаётга аралашиши, одамлар билан муносабатга киришиши, оила қуриши, бир сўз билан айтганда, яшаши керак. Бошқача тарбия кўрган одам ўз халқига сингишиб кета оладими, бу — бир, иккинчидан, мана, французлар, улар инглиз тилини деярли мукаммал билади, аммо расмий доирада улар билан, керак бўлса, таржимон воситасида суҳбатлашади. Нега? Чунки у ҳам катта бир миллат вакили, салоҳиятли давлат номидан иш кўраяпти, қолаверса, ўз она тили шарафини ҳимоя қилади, бир сўз билан айтганда, ўзининг қадрини ерга урмайди...

Шоир Йўлдош Сулаймон олтмишинчи йилларнинг охирида ёзилган Она тили ҳақидаги шеър қисматини шундай ҳикоя қилади: — Шеър вилоят қўмитаси бюросида муҳокама қилинди. Биз елкамизга қўйилган сиёсий айбни пича енгилдатиш умидида: — Расул Ҳамзатов ҳам ёзган-ку шу ҳақда, — дедик. — Ким у — Расул Ҳамзатов? — деб сўради биринчи котиб. — СССР Олий Совети депутати...

— Ҳозир бориб, уни ҳам олиб келинглар! Мана бунга қўшиб, уни ҳам партиядан ўчириб юборамиз!

Мана шу зулмкор ҳукм ҳукмдорнинг фақат савиясини кўрсатибгина қолмай, ўз она тилига нечоғлик хиёнаткорона муносабатда бўлганлигини ҳам ўзида намоён этади.

Бу — ўтмишда қолган гап, аммо тилга муносабат ўтмишда қолиб кетгани йўқ.

Гарчи тилимизга аллақачон давлат тили мақоми берилган бўлсада, талай идораларда у ҳамон етим бола каби қисиниб-қимтиниб яшаётир. Ва бу — дунё тарихида янгилик эмас. XX асрда Русия оқсуяклари француз тилида сўзлашишни маданият белгиси деб билишган. Лев Толстойдай ёзувчи қаҳрамонлари шу тилда сўзлашаётганини кўрсатиш учун романининг неча ўнлаб саҳифасини шу тилда битган. Кейинчалик истибдод туфайли Ҳиндистонда, Африка мамлакатларида инглиз, француз тиллари устувор мавқега эга бўлганлиги ва ҳамон яшаб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин ҳаётни ҳаракатга келтирадиган халқдир, унга мансуб бўлган дунёларни камалакдек ўзида мужассам этадиган, абадий яшайдиган она тилидир.

Тўғри, қанча кўп тилни билсанг, шунча яхши. Имкон бўлса, инглиз, француз, немис, япон, хитой, испан тилларини ўзлаштирганга нима етсин? Лекин дунёвий тилларга муҳаббат ўз она тилингни камситиш ҳисобига бўлмаслиги керак!

Тошкент шаҳрида 34-ўрта мактаб бор. Тилимизга давлат тили мақоми берилган йилга қадар бу мактабда олти-еттита рус синфи, битта ўзбек синфи бўлган, ўша йили эса гўё дунё тескари айланиб кетди — ҳамма ўзининг фарзандини ўзбек синфида ўқитишни истади ва ўзбек синфлари кўпайди. Аста-секин вазият аввалги ҳолига қайтди.

Нега?

Гарчи шу қонун сабаб — кўп эзгу ишлар қилинган, тилга муносабатдаги ўзгариш кўзга яққол ташланиб турган бўлса-да, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар ҳам оз эмас. Ва бу борада аввало ўзимиз ўзгаларга ибрат бўлишимиз керак. Халқ шундайларни бошига кўтаради.

Агар эшитган бўлсангиз, ўтган асрда хоразмлик Эшвой бахшининг бошига иш тушган. Хива хони Асфандиёрхон барча бахшиларни чорлаб, зиёфат уюштирган. Чопар шу хабарни етказиши билан Эшвой бахши ҳам йўлга отланган, аммо Қўшкўпирда тўйнинг устидан чиқиб қолган. Тўйчи оддий бир камбағал деҳқон бўлган. Одатига кўра тўйни босиб ўтишга бахшининг ҳадди бўлмаган. Қўлига дуторни олиб, келин қутлуғ қадам бўлсин, деб қўшиқни бошлаб юборган...

У хон саройига етиб келишидан аввал Асфандиёрхон маросимга кеч келганларни минорадан ташлаш ҳақида фармон чиқарган.

Тонгда Эшвой бахшини минорадан ташлашган. У пастга тўшалган қат-қат гиламу, кўрпачалар устига тушгач, яна дўмбирани қўлига олиб, юртни улуғлаб қўшиқ куйлаган...

Чунки бахши шу жазога маҳкум этилганидан хабар топгач, одамлар кечаси билан минора атрофига қат-қат гилам, кўрпа-кўрпача тўшаб чиққан. Кўнгил берган куйчисини балодан асраб қолган...

3. Тил байрами

Агар, ёдингизда бўлса, саксон саккизинчи йилнинг февралида талабалар: — Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳайкали пойида тил байрами ўтказамиз! — деб мамлакат раҳбарларини ларзага солишган...

Ҳозир қани, ўша ёшлар? Шубҳасиз, ҳар бири 28-30 ёшда. Демак, жамиятга таъсир кўрсата оладиган бир ишнинг бошида. Нега уларнинг бори ҳам, йўғи ҳам сезилмайди?!

Чунки бу — ловуллаб турган ёшларнинг чуқур мулоҳаза юритмай ўзларини ўтга-сувга уришидан ақл билан фойдалана олган кучларнинг иши, сунъий ватанпарварлик ҳаракати эди.

Биласиз, бу тўлқинни ҳеч ким қайтариб ташлагани йўқ. Човгумдаги сув қайнасин деган мезбон унинг остига ўт қалаб туради. Шундай ўт қаловчи билан ўша кезлардаги ижодий ташкилот раҳбари олиб борган музокара ҳамон

(Давоми 2-бетда)

Истиқлол мушоираси

ГУЛ ДИЁРИМ БОР

Аё, дўстлар, хушайёмлар, келибдир, гул баҳорим бор,
Баҳор кўрки каби яшнаб очилган эрка ёрим бор,
Мудомо сайраган дилкаш қўлимда шўх дуторим бор,
Шу созим бирла халқим бахтини куйлаш қарорим бор,
Дилимга ишқ, кўзимга ёғду бўлган бир виқорим бор,
Азизлар, Ўзбекистон деб аталган гул диёрим бор.

Очиб кўз, кўрганим шу эл, ўшал бахтимни бор этмиш,
Ки севги бирла йўғрилдим, баланд иқболга ёр этмиш,
Ва халқим шоду ҳуррам бўлмоғим олий шиор этмиш,
Ўшал орзу, ўшал эзгу ният қалбим баҳор этмиш,
Дилимга ишқ, кўзимга ёғду бўлган бир виқорим бор,
Азизлар, Ўзбекистон деб аталган гул диёрим бор.

Зар унган тупроғи олтин, у — жонимда, кўзимга нур,
Қадами ҳар бирам оромгоҳу меҳри дилимдадир,
Сулаймон ошиқ ўлғон катта чорбоғ, ҳам чаман шулдир,
Эрур жонларга оро шул, ўзи шодлик, ўзи ғурур,
Дилимга ишқ, кўзимга ёғду бўлган бир виқорим бор,
Азизлар, Ўзбекистон деб аталган гул диёрим бор.

Назар айлаб Худо, минг бор, анга берган чирой, эл бу,
Муқаддас, мўътабар, минг битта хислатларга жой эл бу,
Сўнг, меҳмонпавозу халқлари ҳикматга бой эл бу,
Бу Қурбон қалбида мангу қанот ёзган Ҳумой эл бу,
Дилимга ишқ, кўзимга ёғду бўлган бир виқорим бор,
Азизлар, Ўзбекистон деб аталган гул диёрим бор.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО

Сессия олдидан

Паркент сайёҳлик марказига айланади

Яқинда Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Туроб Холтоев туманда республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий-иқтисодий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётганлиги хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Туманимизда мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича махсус комиссия гуруҳи ташкил этилган бўлиб, улар туман бўйича тузилган махсус дастур асосида иш юритаяпти. Хусусан, дастурга кўра бу йил ҳудудимизда биратўла «Паркент-Шампань» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси, Заркент қишлоғида 150 ишчи ўрнига эга бўлган «Заркент» ва 200 кишини иш билан таъминлайдиган «Ботир» тикувчилик корхоналари, «Бойқозон» халқ корпорациясида мавсумда уч миллионта шартли банка қадоқлайдиган консерва цехи, бир кеча-кундузда 20 тонна ун ишлаб чиқариш заводи, «Дока-хлеб» ва 30 минг тонна узумни қайта ишлайдиган шароб заводларининг ишга туширилганлиги туман иқтисодиётини кўтаришда муҳим омил бўлди. Бундан ташқари 50 дан ортиқ кичик корхоналар ҳам қуриб ишга туширилди. Бу эса ўз навбатида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг аввалги йилларга нисбатан 113 фоизга ўсишига имконият яратди. Шунингдек, фермерларнинг сони ҳам қарийб 200 тага етказилди. Натижада уч минг киши янги иш ўринлари билан таъминланди. Айни пайтда халқ истеъмоли молларининг асосий қисми ана шу хусусий секторлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, иқтисодий аҳвол ўнглана бориши билан туман марказида ва қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга катта эътибор берила бошланди. Жумладан, туман аҳолисининг қарийб 85 фоизи ичимлик суви билан таъминланди. Бу аввалги йилларга нисбатан 14 фоизга кўпдир. Газ билан таъминлаш эса 76,54 фоизга бажарилди. Йил якунига қадар эса газ-сув тармоқлари янада узайтирилади.

Ўтган йили Самсарак, Бойқозон, Бўстон қишлоқларида биратўла учта врачлик пунктлари топширилган бўлса, янги ўқув йилига Чанги ва Заркент қишлоқларида 742 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб ва 250 ўринли битта лицей ишга туширилади. Тумандаги 28 та мактаб эса тўлиқ компьютерлаштирилган. Яқинда эса 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, кураш ареналари қуриб битказилди. Яна 150 ўринга мўлжалланган ёпиқ бозор, савдо, маиший хизмат уйлари, гузарлар ҳам шулар жумласидандир. Мустақиллик байрами олдидан бешта гузар қурилиб ишга туширилади. Айни пайтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Дарвоқе, Паркент туманини мамлакатимизнинг кичик Швейцарияси деб аташ мумкин. Шу боис бу ерда нафақат ишлаб чиқаришни, балки туризмни ҳам ривожлантириш мумкин. Чунки, туман обҳавосининг мўътадиллиги, тоғ, қир-адирлар, ўрмону дарё ва сойликларнинг кўплиги туманда туризмни йўлга қўйиш учун катта имконият яратади. Буни ҳудудимиздаги дам олиш масканларига ташриф буюрган ишбилармонлар ҳам эътироф этишмоқда. Насиб этса, келгуси йилдан бошлаб катта йўл ёқаларида, тоғ ёнбағрларида ихчам-ихчам кемпинглар, дам олиш масканлари барпо этишга киришамиз. Бу ишга эса чет эллик тадбиркорларни ҳам жалб этиш ниятидамиз.

Ўйлаймизки, бу борада амалга оширилаётган ишларимиз яқин йиллар ичида ўз самарасини беради. Ва, ўз навбатида республикамиз валюта заҳирасини бойитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Наманган шаҳри кейинги йилларда янада кўркамлашиб, чирой очмоқда. Халқаро стандартга жавоб берувчи замонавий «Теннис корти», водийда энг йирик «Жаҳон бозори», «Сардоба» адвокатлар уйи, сув спорти комплекси бинолари шулар жумласидандир. «Паҳлавон» спорт мажмуаси ва Чорсудаги замонавий типдаги турар жой мажмуаси 1 сентябрь — Мустақиллик куни фойдаланишга топширилади. Мажмуа «Дўстлик» шоҳ кўчаси 5 гектарлик ташландиқ майдонда қурилди. «Наманганинвестлойиҳа» билан «Ўзпўлатқурилишлойиҳа» институтлари лойиҳаси асосида «Наманганқурилиш» акционерлик жамоаси ва «Намангансувқурилиш» бошқармасининг мингдан зиёд қурувчилари 3 сменада ишлашди.

«Паҳлавон» спорт мажмуаси

Спорт мажмуасида қишинёзин 18 турдаги спорт мусобақаларини ўтказиш мумкин. Мажмуада меҳмонхона, ошхона, маданий-маиший хизмат шаҳобчалари ҳам бор. Бошқа турли тадбир ва тантаналар ўтказиш мумкин. 1500 томошабинга мўлжалланган мажмуининг умумий қиймати 4 миллион сўмдан ортиқдир.

Суратларда: «Паҳлавон» спорт мажмуининг умумий кўриниши ва илғор қурувчилар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Миллий кураш – миллат фахри

Бир замонлар суюкли шоиримиз ўзининг «Ўзбегим» ғазалини ҳеч ким кутмаганда эълон қилиб, маънавиятимизни хайрли ларзага солганди. Ўшанда «Буюк Ватан» деб аталмиш мамлакат халқларининг миллати номига чизиқ тортиб, ўзига хос халқаро мақом беришга ҳаракатлар авжга чиққанди. Мустабид замоннинг нафасидан қийналган халқимиз шоирнинг ижодини қумга сочилган сувдек қабул қилганди. Бу энтикиш асосида миллатимизнинг ҳар қандай уқубатларда ҳам ўзлигини юрагининг тубида сақлай олганидан нишона эди. Шоирнинг бу «қилмиши» унинг учун кўп дашномларга сабаб бўлгани билан эълон қилинган ғазал халқ ўртасида ёйилди, куйга солинди, қўшиқ бўлди. Назаримизда, ижодкор бу билан ўзининг қалб тўрида авайлаб-асраган истиқлол муртаклари борлигидан нидо бергандики, ҳануз «Ўзбегим» миллатимиз фахри бўлиб, мумтоз қўшиқлар сирасидан бўлиб турибди. Гап шундаки, ҳар бир миллатнинг авайлаб-асрайдиган ажиб бойликлари бўладики, уни бировга ҳеч қачон раво кўрмайди. Миллий кураш ҳам миллатимиз учун азалийдир. Халқимиз Алпомиш, Рустам достон, Гўрўғли ва бошқа қанчадан-қанча достону эртаклар орқали ўзининг мард ўғлонлари, йиқилмас полвонлари борлиги билан фахрланади.

Ўша мустабид замонда миллий курашга ҳамиша беписанд қараб келинди. Келажаги йўқ, истиқболсиз спорт турларидан саналди. Ваҳоланки, ўшанда ҳам йигитларимиз гоҳ фарғонача, гоҳ бухороча беллашув завқидан баҳраманд бўлиб, кейинчалик спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишга мажбур эдилар. Спортчилару мухлислар ҳамиша нима учун японлар, корейслар ва бошқа миллатларнинг бутун дунёга таралган оммавий спорт турлари ривожланганку, юртимизда бунинг эпи бўлмаяпти, деб ўйлардилар. Ниҳоят, мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни танидик. Қадриятларимиз тикланди. Миллий ғурур, миллий ғоя, миллий ифтихор деган тушунчалар пайдо бўлди. Истиқлолнинг дастлабки йилиёқ республика миллий кураш федерацияси тузилди. Миллий курашнинг тарихи, полвонларимизнинг ғалабалари ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари бошланиб кетди. Хусусан, Ат-Термизий, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Бобур соврини учун ўтказилган халқаро мусобақалар миллий курашга бўлган эътиборнинг амалдаги намойиши бўлди. Полвонлар сафи кенгайди, маҳоратлари оша борди.

Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида яна бир эзгу-мақсадга қўл урилди. Миллий курашга халқаро мақом бериш учун саъй-ҳаракат бошланди. Шу кунларда 6 сентябрь куни «Юнусобод» спорт кошонасида ўтказиладиган «Президент соврини» учун халқаро мусобақага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Энди қачонлардир руслар ўзларининг самболарига асос солишни миллий курашимизни ўрганиб, кейин қўл уришган бўлса, биз курашимизнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши билан фахрланган ҳолда жаҳонга юз тутишни кўзлаяпмиз. Ҳамма гап миллий курашга турли мамлакатларда ҳайриҳоҳлик билан қарашмоқда. Курашимиз самбо, дзюдога нисбатан қизиқарли экани эътироф этилмоқда.

Маълумки, спорт барқарор ривожланаётган тинчлик ва дўстлик ҳукмрон юртдагина ривожланади ва оммавийлашади. Бундай юрт ўғлонлари ўз маҳоратлари билан халқаро майдонларда маҳорат кўрсатиб, ватанлари довруғини оширишга камарбаста бўладилар. Ҳозирданоқ, юртимизга келиши кўзда тутилган ўттиз мамлакатдан — АҚШ, Англия, Испания, Голландия, Венгрия, Польша, Боливия, Жазоир ва Эстониядан албатта мусобақада қатнашамиз деган хушхабарларларнинг келиши ҳам бошлаган ишимизнинг ижобати ажойиб бўлишидан дарак бермоқда. Албатта, мухлисларни мезбонлар — полвоналримизнинг тайёргарлиги қизиқтириши табиий. Сараланган полвонларимиз Қибрай спорт мажмуида машқларга зўр беришмоқда. Улар орасида Тоштемир полвон, Эрали полвон, Баҳром полвон, Абдуқодир, Муҳаммаддўст ва Амир полвонлар ҳам борки, улар ҳар қандай кучли спортчилар билан беллашишга қодирдирлар. Мусобақанинг мукофот жамғармаси 10 минг АҚШ доллари ҳисобида белгиланган. Бўлиб ўтган матбуот йиғилишида республика спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов билан федерация раиси муовини А.Тўйчибоевларнинг ахборотларига қараганда мусобақага қизиқиш катта ва у байрамона тус олади. Меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш халқаро талаблар асосида бўлади. Мусобақа бошланадиган кун халқаро кураш уюшмаларининг вакиллари иштирокида таъсис мажлиси ўтказилиб, унда миллий курашнинг Устав ва Низоми тасдиқланади. Шундай қилиб, миллий кураш яқин йиллар ичида миллионларнинг севимли спорт турларидан бирига айланади.

Ҳайдар НОСИРОВ



Халқнинг яратувчилик даҳоси

ёхуд тил, миллат ва қадриятлар ҳақида ўйлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

ёдимизда:

— Бугун, кечга томон Нишонов мени чақирди, — деган ўша раҳбар. — Айтишича, эртага талабалар юриш қилиб, келиб, шоирлар хиёбонида — Навоий ҳайкали остида тил байрами ўтказишар экан. Уларнинг аниқлашича, зимдан шуни сиз уюштираётган экансиз!..

— Бу ишда менинг қўлим йўқ!

— Гап бундай, марказ аяб ўтирмоқчи эмас! Мен буларнинг кўзида ҳам ғазабдан бошқа нарса кўрмадим. Танклар Чирчиқдан чиққан, ҳозир кўприк олдида туришибди, дейишди улар.

— Хўш, нима бўпти шунга?

— Эртага талабалар кўчага чиқиши билан танклар ҳам шаҳарга кириб келади. Қиёмат-қойим бўлиб кетади-ёв...

— Катта мақсадлар йўлида бешўн одамнинг қурбон бўлиши йўқотиш ҳисобланмайди!

— Сиз, ўша қурбонлар орасида на ўғлингиз, на қизингиз, на жоначир кишингиз бўлмаслигига ишонганингиз учун ҳам шундай деяпсиз! Аммо мен бошқа бир нарсага қуюнганим учун сизга бу гапларни айтяпман: эртага уйи куюб қолган бир чўпон ё бир муштипар аёл танк остида қолган жигарбандининг пажмурда танини қучиб: — «Кўзимнинг оқу қораси, сени ким шу кўйга солди, ахир?» — деб қон йиғлаганида сиз унинг дардига малҳам бўлмайсиз! Кимнинг ёқасидан тутишни билмай, бошини тўрт деворга урганида ҳукумат-ку маълум, ҳатто сиз ҳам қорангизни кўрсатмайсиз! «Менга ёпишманглар! Менинг бу ишга зиғирча ҳам алоқам йўқ!» деб турасиз. Худди шундай бўлади! Агар мард бўлсангиз, эртага ўша ҳаракатнинг олдида боринг, шунга ҳаддингиз етмаса, уни тўхатинг!..»

Шунда ўша ҳаракат тўхтаган. Сабаби бу — суньий қўзғолиш, сохта миллатпарварлик эди.

Шундай бир ривоят бор:

Хўжа Зулфиқор Дарвеш шарқ бозорларидан бирида кезиб юрган эди. Шунда одамлар югуриб бир ўғрини қувиб кетишаётганларини кўрди. Нимадир ўғирлаган ўғри жон-жаҳди билан қочиб бораркан, бирдан қоқилиб кетиб йиқилиб тушди ва етиб келган оломон уни «ур калтак-сур калтак» қилиб ўлдирди.

— Мен оломоннинг бировга ёрдам бериш учун, бирон фалокатдан қутқариш учун югурганини ҳеч қачон кўрмаганман, — деди Дарвеш маъюс бош чайқаб. — Оломоннинг қўлидан ёвузлик келади, холос...

Қаҳрамонлик — фавқулодда содир бўлган воқеалар олдига югуриб ўтиб, байроқ талашиш эмас, аксинча, кундалик ҳаётда инсонлик, фуқаролик бурчини қатъиян ва изчил, ўзбекона, яхши ният, ёруғ юз билан адо этишдир.

Тилимизга Давлат тили мақоми берилганидан буён қанча йиллар, қанча сувлар оқиб ўтган бўлса-да, ҳамон «Тил — қисматимиз!» деб билган фидойи ёшлар ёниқлиги деярли сезилмайди. Шунинг учун ҳам Абдулла Ориповнинг: «Ҳозирги ёшлар она тилимизга Давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонунни ҳатто уддалаб бажара олишмаяпти», — деган таъналарини рад эта олмайсиз. Севимли шоиримиз бундан ўттиз йилча муқаддам она тилини улуғлаб ёзган саккиз қаторли шеър бошимга саккизта бомба бўлиб тушган, — дейди. Агар, ўттизинчи йилларнинг охирига назар солсангиз, Чўлпондай миллатпарвар шоирлар ҳам сиёсатдан қўрққанлиги учун атай ўрисча сўзлар қўллашга мажбур бўлишган. Истиқлол арафасида, ҳа, тилимизни турли чекланишлар, камситишлардан ҳимоя қилувчи қудратли қалқон — Қонун қабул қилингандан кейин Пойариқ туманидаги автокорхонада ёши бир жойга бориб қолган кишилар кадрлар бўлими бошлиғи тилида таъталга ариза ёза олмай, сарғайиб ўтирганларига гувоҳ бўлганмиз. Шунда биз: «Бу масалада шу қадар нотавон бўлиб қолган эканмизки, ҳатто қонун ҳам кўнглимизга қувват бўла олмаяпти», — деб ўйлаганмиз.

4. Миллий ғурур

Аслида, ўша тузум ва унинг изчил сиёсати бизни шу кўйга солиб қўйганлиги ҳеч кимга сир эмас. Агар сиз шўро даврида нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни варақлар бўлсангиз, «миллий» деган сўзнинг ранги ўчиб кетганига гувоҳ бўласиз. **«Миллатчи»** деган сўз луғатда шундай изоҳланади: **«Миллатчилик тарафдори, миллатчилик йўлидан борувчи».** Мисол тариқасида эса **«Буржуа миллатчилари»** деган гап келтирилади. Ҳолбуки, бу гап аслида ҳеч бир маъно англатмайди. Наҳотки, буржуазиянинг миллатчилари бўлса?!

Бу сиёсий айбга муҳр сифатида ўйлаб топилган ёрлиқ, холос.

«Миллатчи» дегани эса, бизнинг билишимизча, бир миллатни севувчи, шу миллат фидоси, деган маъно англатади.

Луғатда **«ғурур — инсоннинг ўз қадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси, иззат-нафс»** дея изоҳланган, сўнг мисол келтирилган: **«Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори ва ғурури».**

Тошкент темир йўл вокзалида ҳам етмишинчи йилларда шундай битик турур эди: **«Пахта — ўзбек халқининг миллий ғурури».** Кейинчалик ундан **«миллий»** деган сўз ҳам олиб ташланди...

Бизнинг ёшлигимиз пахта якказироатчилиги авжига чиққан даврда кечди, ўша кезлар пахтачилик, пахта йиғим-терими мактаб ўқувчиларининг юрагига тўкиладиган даражага етган эди, шунинг учун ҳам бу шиорга ортиқча аҳамият бермаганмиз.

Мана, бугун миллий ғурур нима эканлигига оз-моз ақлимиз етганлиги учун: — Нега энди Самарқанд, Бухоро ва ёки Хива халқимизнинг миллий ифтихори дея аталмаган? — деб ўйлаймиз. Ахир, яқин ўтмишда чет элга чиқсак, Ўзбекистондан эканлигимизни айтсак, хорижликлар ҳайрон қолар, лекин Самарқанд ё Бухоро, десак, «О-о!» — дея улар ҳайратини изҳор этишар эди-ку!

Нега Амир Темур, Алишер Навоий, Имом Бухорий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, улар жаҳон тараққиётига қўшган улуш миллий ифтихор рамзи сифатида тилга олинмаган? Ахир, улар жаҳон тоқидаги яшноқ юлдузлар сифатида кўнглимизда ғурур уйғотишга ҳақли эди-ку!

Юртбошимиз **«Миллий ғурур деб юракка пахта тиқиб қўйишган»**, — деганида нечоғлик ҳақ. Агар, эътибор қилсангиз, «Пахта — миллий ғурур», деган фикр ўша даврда моҳиятан «Пахта — эзиш воситаси» деган тушунча ўйғотган.

Нима, биз икки дарё оралиғида яшаган, қуриш, яратиш ҳисси қон-қонига сингиб кетган, ҳар бир авлоди ўзидан ўчмас излар қолдирган шу азиз халқимиз, унинг яратувчилик даҳоси билан ҳар қанча ифтихор қилсак арзимасмиди? Ёки бу халқнинг одамийлиги, мардлиги, тарихи ифтихор қилишга арзимас эдими? Широқ ва Жалолиддин Мангуберди матонати, тенгсиз хислатга эга Баҳоуддин Нақшбанд, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий...

Қува анори, Учқора майизи, Наманган олмаси...

Зарафшон олтини, Асака автомобиллари, Шўртан гази, истиқлол кошоналари...

Жозибали тўйларимиз, Наврўзи оламдай муборак байрамларимиз, ҳаётимизга фусун бағишлаб турган урф-одатларимиз, «Алпомиш»дай ўтнафас достонларимиз, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан ҳар қанча ифтихор қилсак, арзийди-ку!

Ҳа, барчанинг қалбини ягона қилиб бирлаштиришга қодир куч, бу — миллий туйғу, ғурур, ифтихордир.

5. Ватанга муҳаббат...

Эзгу қарашларнинг ҳалокати ёхуд аксинча, қанот ёзиши кишилар хоҳиши, муносабатига боғлиқ. Шунинг учун олдинги сафда борувчи шахслар яқдил бўлса, одамларни ўз ортидан эргаштира олса, кўпчиликни ҳаракатга келтирса, кўзланган ниятга эришиш осон кечади.

Шу ўринда Регистон мажмуи директори ўринбосари Қурбон Ҳасанов айтган фикр киши хаёлидан ўтади:

— Ўтган йили Владимир, Суздал шаҳарларида бўлдим, шунда қадимий обидалар билан танишар эканман, гапнинг очиғи, бу шаҳар, унинг тарихи менда катта қизиқиш уйғотди. Хўш, нега? Бунга сабаб — сафардош бўлган киши ҳар бир обида, унинг кечмиши ҳақида ёниқ бир ҳаяжон билан шундай берилиб ҳикоя қилар эдики, истаймизми-йўқми, унинг юрагидаги меҳру муҳаббат сизнинг ҳам қўнглингизга кўчар эди. Қайтишга мен ҳам уларни Самарқандга таклиф этдим, келиб, ўзим шаҳримиз, унинг обидалари, ҳар бир ғиштнинг тарихини қайта кўздан кечирдим; Улар катта бир ғуруҳ бўлиб ташриф буюришди, шунда меҳмонларга ўзим бош бўлиб, шаҳримиз, тарихимиз, улуғ салафларимиз ҳақида айтиб бердим, сафарлари қаригач, улардан: — Таассуротларингиз қандай? — деб сўрадим.

— Биз дунёда шундай ноёб шаҳар борлигидан ғоз эдик, бугун эса уни юрагимизга жойлаб олиб кетаяпмиз! Чунки унга сенинг кўзинг билан қарадик. Сендай меҳр қўйдик, — дейишди улар.

Демак, бизнинг ҳар бир айтар сўзимиз одамларда муносабат уйғотади, бу эса сўзга масъул бўлишни талаб қилади!

Ҳа, яратувчилик иши шунга яраша шижоат кўзғатадиган, Ватан эса унга муҳаббат уйғотадиган даъваткор Сўзни тақозо этади. Гарчи бу айтар сўзимизда аксини топиб турса-да, илдизлари кўнгилдадир. Яқин ўтмишда сайёҳларга муайян шаклда, қолипга солинган гапларни айтишга одатланганмиз, ҳолбуки туйғулар шаклга сиғмайди. Ўзгалар юртимизга ташриф буюрганда, уларга қандай қўшиқлар қўйиб берсак, юртимиз, миллатимиз табиати, унинг қадим тарихи ҳақида мусиқий тасаввур уйғотиш мумкинлиги ҳақида сира ўйлаб кўрганмизми? Фарзандларимиз дилида киндик қони томган шу заминга меҳру муҳаббати улғайтириш учун уларга қайси куй-қўшиқларни тавсия қилган маъқул? Уйимизда қандай қўшиқлар бор? Улар нимани тинглашмоқда?

Улуғ бобомиз Фаробий Рай шаҳрида, вазир Соҳиб Обод шарафига берилган зиёфатда куй чалиб, жамоатни шудомон этгани, сўнг йиғлатгани, кейин ухлатиб қўйгани, мусиқа ҳақида фикр юритиб, «У ўз мувозанатини йўқотган (одамлар) ҳулқини тартибга келтиради, мукаммалликда етмаган, ҳулқни мукаммал қилади», дегани ёдингиздадир?!

Хўш, Майкл Жексон, «Битлз», Мадонна фарзандларимизга нима беради? Шу ҳақда сира ўйлаб кўрганмизми?

6. Мен нечун севаман Ўзбекистонни...

Яқинда дарёда чўмилиб, соҳилга чиққан ва офтобда тобланиб ўтирган болалардан бири — бўлса, у саккиз ё тўққиз ёшда — дарёнинг нариги қирғоғидан дов-дарахтларга, ундан наридаги қорли тоғларга термулиб ўтириб, ўзиданўзи: — Мен нечун севаман Ўзбекистонни?.. — дея куйлаб юборди. Биз унга термулиб ўтириб, демак, қўшиқ эскирмас экан, Ватанга боғланган кўнгилларни у бахордай яшнатиб абадий яшар экан! — деган хаёлга бордик.

Истанбулга бориб келган бир шоир эса: — Бир дўконга кирсам, Ўзбекистон байроғи илиб қўйилган! — деди. — Унга кўзим тушгач, бир бошқача бўлиб кетдим...

Ватан! Миллий байроқ! Ҳа, бизнинг олис аждодларимиз ҳам ўз интилишлари ифодаси бўлган байроқлари остида бирлашган даврда ҳеч қандай куч уларга бас кела олмаган.

Бизни бирлаштирадиган — Озодлигимиз тимсоли янглиғ бош устимизда тўлқинланиб турган, тўлқинларида юлдузлар, миллионмиллион кишиларнинг орзу-ҳавас, истак-интилишлари акс этаётган байроғимиздир.

Нукусда, «Прогресс» тил ўрганиш марказида ҳар эрта тонг ўқувчилар жамулжам бўлиб, даставвал Ўзбекистон мадҳиясини куйлашига шоҳид бўлганмиз. Ҳаяжондан кўнгил ларзага келади. Қани энди, институтдаги, мактабдаги ёшлар ҳам ҳар салқин саҳар уларга жўровоз бўлишса, дея орзу қилдик!

Бу — сиёсат учун эмас, балки миллатнинг маънавий қиёфасини шакллантириш учун қимматлидир. Француз футболчилари жаҳон чемпионатида олтин кубокни қўлга киритишганда тантанавор суратда мамлакат байроғи кўтарилди, футболчилар миллий мадҳияни шукуҳ билан куйлашди, шунда миллион-миллион кишилар уларга ҳавас кўзи билан қарашгани ҳеч кимга сир эмас!

Миллий ифтихор ҳисси мукаммаллашувида тарихнинг ўрни ҳам беқиёсдир. **«Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас»**, — дейди юртбошимиз Ислом Каримов. Тарихнинг қудрати — инсон шуурини нурлантириш билан бирга руҳни ҳам юксалтиради, кўнгилдаги мудроқ туйғуларни уйғоқликка ундайди. Тарихнинг шукуҳли саҳифалари миллатни баландга кўтаради. Шунинг учун ҳам уни биз тўтиёдек эъзозлашга бурчлимиз.

7. Яратувчилик туйғуси

Ҳеч нарса бир кунда бўлиб қолмайди. Амир Темур руҳи кезиб юрган Самарқанд ҳам бир кунда бино бўлмаган. У ҳам йиллар, керак бўлса, асрлар мобайнида босқичма-босқич қад ростлаган. Биз бундан етти йил аввал эҳтиролар, нутқ ва митинглар, оловлар денгизи ичра қалқиб юрган бўлсак, бугун тамомила бошқа одамга айландик, йўқ, ўтган етти йил ичида фақат бизнинг шууримиз, Ватанга, унинг тарихига, дунёга муносабатимиз ўзгариб қолмай, миллий табиатимиз, қонимизда яшаб келаётган яратувчилик туйғусини ҳам юзага чиқара олдик. Бу туйғу қолдираётган хайрли ишларни бугун ҳар қадамда кўриш мумкин...

Шу кунларда самолёт қадим Бухоро узра айланиб қўнар экан, теварак-атрофга эътибор бериб қарасангиз, куни кеча олтиндай товланиб ётган буғдойзор ўрнида ямяшил майсалар солланиб ётганини шоҳиди бўласиз. Такрорий экинлар бу. Унга термулганча беихтиёр: «Биз, яқин ўтмишда қачон ердан шундай исчил, тартиб билан фойдаланган эдик?!» — деб ўйлайсиз.

— Олтиариқликлар бу йил фақат томорқанинг ўзидан бир миллиард сўмдан зиёд даромад кўришди, — дейди ёзувчи Алишер Ибодинов. — Бизда деҳқончилик шундай тус олганки, деҳқон ҳосилни етиштиради, холос, уни сотишдан даромад кўрадиганлар келиб, ҳисоб-китоб қилиб, унинг ноз-неъматини ўзлари олиб кетишади.

Беихтиёр халқимизнинг тадбиркорлиги ифода этилган ҳангома хаёлдан ўтади: америкалик астронавтлар ойга боришганда энди кемадан чиқамиз, деб туришса, эшик тақиллаб қолибди. Астронавтлар ҳайрон бўлиб, эшикни очишса, дўппини қийшиқ кўндириб олган икки ўзбек: — Турп олмайсизларми? — деб турган эмиш.

Астронавтлар баттар ҳайрон бўлишибди...

— Сизлар қачон келдингизлар? — деб сўрашибди улар.

— Кеча.

— Нимада?

— Ўзимизнинг КамАЗда келовурдик!

Бу бир ҳазил, лекин шундай кунлар келади — Ўзбекистон, керак бўлса, ойдаги дастурхонларни ҳам ноз-неъмат билан безайди. Ва шундай қўлигул, тиниб-тинчимас, фидоий халқ фарзанди эканлигинг билан ҳар қанча ифтихор қилсанг, арзийди...

8. Халқнинг дуоси

Кеча, автобусда сафардан қайта туриб, йўловчилар суҳбати беихтиёр хаёлимизни банд этди:

— Энди нима қилар экан, бу толиблар?

— Кеча радиони қулоғини бурасам, биттаси гапираяпти: — «Мушкулот нест, ҳамма хурсанд, энди битта-иккита ғайридинларни сўяяпмиз», — дейди ҳалиги...

— Э-э, қуриб кетсин! Аммо кун кўрмади шу халқ, жуда пешонаси шўр экан...

— Президентимиз Ҳайратоннинг белигача бордилар!

— Энди, чегара бўйида яшаётган халқнинг кўнглини кўтарди-да, у киши!

— Ишқилиб, бошлари тошдан бўлсин! Ўйда тўртта боланинг бошини қовуштира олмаймиз, Президентимиз шундай катта халқни оғиз бир қилиб, ҳаммамизнинг бошимизни силаб, шундай қурилишлар қилиб юрибди, илоё, умридан барака топсинлар!..

Халқ ҳар кимни ҳам ортидан дуо қилавермайди.

Озарбойжондан келган тадбиркор жаноб Руслан: — Аллоҳ таоло сизларга шундай юртбошини инъом этган, халқи, Ватани учун ҳатто жонини беришга ҳам тайёр, — дейди. — Албатта, халқ ҳам шунга муносиб бўлиши керак!

— Халқимиз шунга муносиб, — дедик биз.

— Буни юрт ҳаётидаги ўзгаришлардан ҳам сезиш қийин эмас, — деди у. — Кўнгилни яйратадиган яшариш кезиб юрибди Ўзбекистонда!

Куни кеча сурхондарёлик адиба Дилфуза Кўзиеванинг «Менинг Президентим» деган мактубини олдик.

У: «Бир замонлар шунга жуда ҳавасим келган: америкалик ўқувчилар давлат раҳбари — Президентни «Менинг Президентим» деб аташар, ҳар бир бола шундай дейишга ўзини ҳақли ҳисоблар экан, — деб бошланади. Ушбу мактуб ифтихор туйғуларига йўғрилган ҳолда шундай якун топган: — Ўлим боғчада Ўзбекистон мадҳиясини ёд олиб келиб, эҳтиром билан қўлларини кўксига қўйиб айтиб берди.

Ўзим телевизор орқали Президентимизнинг гоҳо ҳорғин, гоҳо қувониб, ҳар қандай ҳолатда ҳам шарқона андиша, вазминлик билан кибру ҳавосиз, ҳатто телекамерага тик қарамай гапиришлари; нутқларида кўпроқ эркин муомалага ўтиб кетишлари, кимнидир койиган чоғида ҳам... «биродар», «барака топкур» дея «койиш»лари; юрт ташвиши билан чет элга ташриф буюрган кезлар самолёт зинапоясидан ҳорғин бўлсалар-да, ишонч ва қатъият билан тушиб келишларини кўрган пайтларим юрагимда бир ҳаяжон ва фахр туяман. Бу нима бўлиши мумкин?

Кичкинагина рўзғоримизда тинчгина кун кўриб ўтирганим нимадан? Ака-укаларимнинг айрим мамлакатларда бўлаётгани каби жоҳил «сиёсатчи»лар найрангига учиб, гул ёшида бемаслак қурол кўтариб юрмасдан, тоғдек бўлиб ёнимда турганига шукр этмайми?

Отам, онамнинг неваралари қуршовида эсон-омон ўтиришгани бир бахт эмасми, ахир?!

Ўзим-чи, ўзим? Ҳаётга бўлган бунчалик иштиёқ кўнглим қаердан пайдо бўлди? Нега мен бунчалар яшашни, яратишни истайман?

Чунки оёқларим ҳар дақиқада сирпаниб, ботиб кетишим мумкин бўлган ботқоқликда эмас, мустаҳкам замин устида турибди. Биз яқин ўтмишда ҳам ўтган аждодлар, буюк алломалар, заминимиз мустаҳкамлиги, муқаддаслиги ҳақида умумий тушунчага эга эдик. Энди эса буларнинг барчаси маънавий мулкимизга айланди. Шу она-Ватан қисматимиз эканлигига юрагимизда ўчмас ишонч ҳосил бўлди. **«Сиз бунга муносиб! Сиз бунга ҳақлисиз!»** — англадим мен. Кўнглимизда шундай ишонч уйғотганингиз, қанот бўлганингиз учун **Сиздан миннатдорман: менинг Президентим!»**

Ҳа, эндиликда тилимизда **«Менинг она тилим!»**, **«Менинг Ўзбекистоним!»**, **«Менинг Президентим!»** каби оташин ибораларнинг маҳрур жаранглаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу халқимизнинг миллат сифатида чинакам маънода шаклланаётганидан, ҳар бир фуқаро қалбида Ватан тимсолларидан фахр-ифтихор туйиш, мамлакат тақдирига дахлдорлик, истиқболга ишонч туйғулари қарор топаётганидан далолатдир.

Саъдулла ҲАКИМОВ,
Гаффор ҲОТАМОВ

Сурхондарё вилояти «СУРХОНДАРЁ ПОЧТАСИ» ҳиссадорлик жамияти

Истиқлолнинг қутлуғ етти йиллик байрами муносабати билан азиз юртдошларимизни қизғин табриклайди. Барча-барчага куч-ғайрат, саломатлик ва бахт тилайди.

Ўз мижозларига қуйидаги янги хизмат турларини таклиф этади:

— давлат автомобиль назорати жарималарини қабул қилиш;
— суғурта компанияси агентлик ишини бажариш;
— якка тартибдаги ҳунармандларни уюшмага аъзо қилиш;
— газ, сув, электр ва бошқа коммунал ҳақларини йиғиш;
— конверт, марка, концелярия товарлари, газета ва журналлар сотиш;
— факс, ксерокопия хизматлари, телефон аппаратларини таъмирлаш ва монтаж қилиш;
— турли хил тарозиларни таъмирлаш.

«Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг беминнат хизматидан фойдаланинг!

СОТИБ ОЛИНГ!

Барча ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари ва фуқаролар диққатига! «Сурхондарёпочтаси» тармоқларида байрам, туғилган кун, юбилей ва никоҳ тўйлари учун махсус тайёрланган табрик открткалари сотилмоқда. Уни сиз барча алоқа бўлимларидан, газета дўконларидан чекланмаган миқдорда сотиб олишингиз мумкин.



МУРОЖААТ

учун телефон: (37-622) 4-33-31.
«Сурхондарёпочтаси» ҳиссадорлик жамияти
Бош директори Маҳмуд МУҲАММАДИЕВ

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ҲУРРИЯТ БАЙРАМИНИНГ ШОНЛИ 7 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.

Истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон Республикаси қисқа фурсатлар ичида жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олди.

Мамлакатимиздаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталик туфайли халқимизнинг фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда пахта ва бошқа ёғи олинадиган ўсимликлар етиштирилишини кўпайтириш ажойиб самаралар бермоқда. Деҳқонларимиз мўл-кўл ҳосил етиштиришмоқда. Биз қайта ишловчилар эса, ана шу ҳосилдан сифатли ёғ ва ёғ маҳсулотлари тайёрламоқдамиз. Айни пайтда кўплаб янги корхоналар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Қатор қўшма корхоналар ҳам ишлаб турибди. Мустақил мамлакатимизда ёғ ва ёғ маҳсулотлари сероб бўлиши учун биз доим камарбастамиз. Ниятимиз шуки, юртимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик, осойишталик ва фаровонлик бўлсин!

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси

Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси

КИБО

«КИБО – БОЛАЛАР ПОЙАБЗАЛИ» ПТД жамоаси

Мустақил юртимизнинг барча оилаларини истиқлолнинг етти йиллик байрами билан табриклайди. Болажонларимиз келажаги буюк давлатимизнинг баркамол фарзандлари бўлиб етишсинлар! Бу йўлда биз серқуёш Ўзбекистон истиқболи учун, қолаверса уйнинг келажагини белиловчи болажонларимиз иқболи учун меҳнат қилаверамиз! Болажонлар Истиқлол билан улғаяверсин!

БИЗ СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАВЕРАЙЛИК!

«КИБО», «КИБО», «КИБО»

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-44-55.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Тўлқин ЭШБЕК, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.866 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г —0232

Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди – 22.40
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА